

GENERAL FEATURES IN STUDYING HISTORICAL TOPICS IN STORY

Tashpulatov Gofurjon Gulomovich

Candidate of Philological Sciences

Annotation: The article deals with the artistic depiction of social and economic processes in the transition period of social development in a small epic genre as an operational genre, the most obvious features of the nature of the genre are Khurshid Dostmuhammad and Alisher Makhribov Tahir.

Keywords: National values, self-awareness, story genre, image, historical figure, realism, historical reality, catharsis, patriotism, humanity, national unity.

ҲИКОЯЧИЛИКДАГИ ТАРИХИЙ МАВЗУНИ ЎРГАНИШДА ЖАНР ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Ташпулатов Ғофуржон Ғуломович

Филология фанлари номзоди

Аннотация: Мазкур мақолада кичик эпик жанрда жамият тараққиётининг ўтиш даврида содир буладиган ижтимоий, иқтисодий жараёнларни оператив жанр сифатида бадиий акс эттириши, жанр табиатида яққол намоён бўлувчи хусусиятлар Хуршид Дўстмуҳаммад ва Алишер Махсумов ҳикоялари таҳлилида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Миллий қадриятлар, ўзликни англаш, ҳикоя жанри, образ, тарихий шахс, реализм, тарихий воқелик, катарсис, ватанпарварлик, инсонийлик, миллий бирдамлик.

Маълумки, 90 йиллар бошларида ҳалқимиз ҳаётида оламшумул тарихий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ўзгаришлар юз берди. Мустақиллик берган муҳим инъомлардан бири, ҳеч шубҳасиз, бу юртимиз, ҳалқимизнинг узоқ ва бой тарихини, ўзбек ҳалқи шуҳратини жаҳонга кенг ёйган бобокалонларимиз ҳаётини холисона ўрганиш ва талқин қилиш имкониятларини, тўлиқ бўлмасада, нисбатан кенгроқ очиб берилганидир.

Миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни идрок этишга бўлган бу табиий ташналиқ, интилиш янги давр ўзбек адабиётида яққол сезилди. Ўша йилларда тарих ҳақиқатини ҳаққоний тасвирлашга харакат қилган бир талай бадиий асарлар яратилди.

Мазкур мақолада бадиј адабиётнинг "энг ҳозиржавоб" жанри саналмиш ҳикоячиликда тарихий мавзунинг қай тарзда ёритилиши хусусида мулоҳаза юритишга ҳаракат килдик. Таъкидлаш жоизки, бир мақола доирасида бу катта муаммони хар томонлама ва чукур қамраб олишнинг имкони йўқ. Шу сабабдан биз конкрет муаммо - Туркистоннинг рус босқинчилари томонидан забт этилиши ва бу истилонинг ўлкамиз ҳаётидаги салбий оқибатларини очиб беришга бағишиланган ҳикояларни мавзу доирасида таҳлил қилиб чиқишига чоғландик.

Бундан ташқари, ҳикоя ўз жанр хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ниҳоятда мураккаб, ички зиддиятларга бой бўлган ушбу тарихий даврнинг тўлақонли манзарасини тасвирлашга ёхуд бирон бир тарихий шахснинг мукаммал образини яратишга даъвогарлик қила олмаслигини ҳам эътибордан четда қолдирмаймиз.

Янги давр ўзбек ҳикоячилигига мустамлакачилик мавзусига бағишиланган асарлардан бири ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Миркомилбойнинг қазо қилган намози" ҳикоясидир. Ушбу ҳикоя "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномасининг 1992 -йил 4- сентябрь сонида босилган бўлиб, тарихий шахс - 1918-йили инқилобий трибунал томониданотишга ҳукм қилинган андижонлик бой, бир неча завод ва фабрикалар эгаси Миркомилбой Мирмўминбой ҳожининг фожеали тақдирига бағишиланган. Бу ҳикоядан аввалроқ X. Дўстмуҳаммаднинг Миркомилбой ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ва тарихий ҳужжатлар, замондошлар хотиралари асосида ёзилган "Уч ҳукумат қолипига сифмаган бой" номли мақоласи эълон қилинди¹. Бундан ташқари тарих фанлари номзоди Акмал Акром ўғлининг мақоласида ҳам Миркомилбой Мирмўминбой шахси ҳақида қизиқарли маълумотлар, архив ҳужжатлари келтирилган².

¹- Дўстмуҳаммад Хуршид. Уч ҳукумат қолипига сифмаган бой./ Шарқ Юлдузи, 1992 й, №5,

98-101 б.

²-Акмал Акром ўғли. Миркомилбой ким эди? Ўша манба. 88-97 б.

Таҳлил этилаётган ҳикояни ушбу манбалар билан қиёслаб кўрилганда, ёзувчи машҳур тарихий шахс образини яратишда тарих фактлари, воқеалар тафсилотини бузмасликка ҳаракат қилганини ва бунган муайян даражада эришганинининг шоҳиди бўламиз. Бироқ бадиј асарнинг моҳият ва қиймати фақат ўтмишни тарихий ҳужжатлар асосида тўғри тасвирлаш билангина ўлчанмаслиги боис (буни тўла инкор этмаган ҳолда) ёзувчи яратган образ тарихий шахсга қай даражада мос келиши тўғрисидаги масалага батафсил тўхталиб ўтирумаймиз. Зоро, адабиётшунос олим Файрат Нек Мурод таъкидлагандек: "...тарих илмидан фарқли равиида бадиј адабиёт инсоният (халқ,

миллат, қабила) ўтмишини бадий образлар, адебинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашини тажассум эттирган характерлар воситасида акс эттиради³.

Миркомилбой образини яратар экан, ёзувчи биринчи навбатда узоқ йиллар давомида халқ онгига сингдириб келинган "бой-бадавлатларнинг ҳаммаси халқнинг ашаддий душманидир" деган ақиданинг пучлигини кўрсатишга ҳаракат қиласди. Тўғри, бойлар орасида халқни ёзувчи, унинг қонини зулук сингари сўрувчи кимсалар йўқ эди, деб бўлмайди. Лекин ҳамма бадавлат одамларни бир қолипга жойлаш, уларнинг ҳаммасини ёппасига "халқ душмани"га чиқариб қўйиш ҳам мантиққа тўғри келмайди. Йирик сармоя эгаси бўлмиш Миркомилбой хикояда ватанпарвар инсон сифатида тасвирланади. У ўз мартабаси ва бойликларидан халқ, юрт манфаати йўлида фойдаланишга жазм этган эди. Унинг Андижон марказини обод этиш, мактабу мадрасалар, шифохонаю ҳаммомлар каби иншоотларни қуриш ва бошқа эзгу ниятлари мустамлакачи ҳукумат амалдорлари томонидан барбод этилди. Бир сўз билан айтганда, Миркомилбой тимсолида тадбиркор,

³-Файрат Нек Мурод. Тарихий жараённинг бадий талқини. Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 1994, 7 б.

ишбилиармон, бутун мол-мулкини савоб ишга тайёр инсон гавдаланади. Унинг ҳаёт фалсафаси ҳам ниҳоятда оддий ва шу билан бирга сермаъно: "ҳар ким уddyасидан чиқсан яхшилигини аямаса, савобни кўзласа, шум ният бўлмаса".

Миркомилбой тўғрисида сўз юритар эканмиз, шу нарсага эътиборни қаратмоқчимизки, у бошқа баъзиларга ўхшаб Афғонистонга ёки Туркияга бемалол ўтиб кетиши ва у ерларда тинч-осойишта умр кечириши мумкин эди. Бироқ у юртдан, Ватандан йироқда яшашни ҳатто тасаввурига ҳам сиғира олмайди, бу тўғрида ўйлаганда "қаҳратонда қолган одамдай совуққотиб кетарди". Ёзувчи ўз қаҳрамони характерининг бу киррасини қисқа, ниҳоятда ўтқир чизгилар билан кўрсатиб бер ишга эришган. Миркомилбой Анвар пошшо уни Туркияга таклиф этиб айтган сўзларига содда ва лўнда қилиб жавоб беради: "...Жужуқларни, насларни кўчириб келармиз, пошишо ҳазратлари, - деди Миркомил қаҳратонда қолган одамдай совуққотиб, - лекин Ватанни қандай опкеламиз? Ватанни кўчириб бўлмайдику!..." ёзувчи ушбу эпизодда ортиқча сафсатабозликсиз қаҳрамон характери моҳиятини очиб беришга эришган. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бунга ўхшаш эпизодлар қаҳрамон характерини очишда унча кўп кўлланилмаган. Бунинг ўрнига муаллиф қаҳрамонни тавсифлаш, унинг соддадиллигини, очиқкўнгилли одам эканлигини бот-бот такрорлади. Фикримизча, қаҳрамоннинг у ёки бу хусусиятини тўғридан-тўғри таъкидлаш ўрнига юқорида келтирилган эпизоддаги сингари чиройли чизгилар,

ўхшатишлар, нозик деталлар воситасида ёхуд қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тасвирига урғу берган ҳолда очиб берилса, асарнинг бадиий қиймати янада ошган бўлар эди.

Ҳикоянинг иккинчи сюжет чизиги ҳам мавжуд бўлиб, у бир томондан бош қаҳрамон характерини қўпроқ очишга ҳаракат қилса, иккинчи томондан мустамлакачи ҳукумат амалдорларининг ҳақиқий қиёфасини очишга ва мустамлакачиликнинг асл моҳиятини қўрсатишга хизмат қиласи. Ҳикояда мустамлакачи амалдорлар Розали ая, Сошальский, уезд бошлиги ва бошқа чиновниклар эпизодик образ бўлсалар-да, улардан муаллиф асар ғоясини очишида унумли фойдаланган. Ёзувчи уларнинг барча кирдикорларини таърифлаб ҳам, тасвиrlаб ҳам бермайди, бунга аввало жанр имкониятлари йўл бермаган бўлса, иккинчидан уларнинг "фаолияти" Миркомилбойнинг фожеали тақдирида ўз аксини топади.

Ҳикояда яна бир жиддий муаммо қўйилган. У нафақат ўтмиш воқеаларининг моҳияти, ички сабабларини очишида, балки ҳозирги кунимиз ва истиқболимизни белгилашда ҳам мухим аҳамиятга эга. Туркистоннинг босқинчилар томонидан забт этилиши сабаблари тўғрисида мулоҳаза юритар экан, ҳикоя муаллифи улардан бири ва, балки, энг асосийси, маҳаллий халқнинг ноаҳиллиги, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қила олмаслиги, ўз виждони, ватанини, халқини мўмай пулга сотишга тайёр кимсалар кўплигига деган хulosага келади. бу фикрнинг накадар тўғри эканлигига исботни бошқа халқлар тажрибаси, жаҳон тарихидан ҳам кўплаб топиш мумкин. Ҳиндистон инглиз кўшинлри томонидан эгаллаб олингандан кейин бир инглиз генерали шундай деган экан: "Биз Ҳиндистонни ҳиндлар пули ва ҳиндлар қўли билан забт этдик". Дарҳақиқат, рус истилочилари ҳам Туркистонни тобе этишда бошқа зўравон босқинилар томонидан қўлланилган ушбу тактикадан фойдаланганликлари энди тобора равшанлашиб бормоқда. Шу маънода муаллиф полковник Сошальский тилидан қуйидаги сўзларни чексиз афсус ва надомат билан айтишга мажбур бўлади: "Э – э, жсаноби олийлари, бу сартларга тўрт танга берсангиз, Миркомилбой экан-у, ўзининг отасини сотишга тайёр". Шу ўринда ҳикоя финаидаги яна бир деталга эътибор қаратмоқчимиз. Миркомилбойни "мовий кўз" рус соқчиси эмас, балки ўз динини, имонини унуглан, бошлиқлари кўзига яхши кўриниш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган маҳаллий аскарбачча отади.

Шунга ўхшаш мулоҳаза ва хulosаларни ёзувчи Алишер Махсумовнинг "Оталиқ" ҳикоясида ҳам учратиш мумкин.⁴ бу ҳикоя ҳам мустамлакачилик мавзусида бўлиб, унда Кўқон хонлигининг оталифи Олимқулибек додҳо бошчилигидаги мусулмон кўшинларининг Чимкент, Авлиёта шаҳарлари, Ниёзбек қалъасини босиб олиб, Тошкентга таҳддид солаётган Русия босқинчиларига қарши хужуми ҳақида сўз юритилади.

Муаллиф уруш манзараларини чизмайди, хужум тафсилотларига батафсил тўхталиб ўтирамайди. Чунки адаб концепцияси ва ҳикоя гоясини очиб беришда бу нарсалар шарт эмас. Шу сабабдан бўлса керак, ёзувчи асосий эътиборни хужумга тайёргарлик қўриш жараёни тасвирига қаратади.

Ҳикоя бош қаҳрамони Олимқулибек додҳо бошқа бек ва аъёнлардан фарқли ўлароқ яқинлашиб келаётган фожеа ва унинг мудхиши оқибатларини тасаввур қилган ҳолда даҳшатли босқинчиларга қарши курашиши учун ҳамма бирлашиши кераклигини англаб етади. Олимқулихон барча хонлар ва бекларни ўзаро биродаркушлик урушига чек қўйиб бирдамлиқда харакат қилишга даъват этади. Бироқ, минг афсуски, Олимқулибекка ўхшаб фикр юритувчилар юрт оғалари ичидаги жуда оз эди: “*Бу мажслистан унинг*

(Олимқулибекнинг –F.T.) ҳафсаласи пир бўлган эди. Маслаҳатгўй оқсоқолларнинг, юрт оғаларининг тажрибасизлиги, масалани чуқур таҳлил этолмай, худди гўдаклардай жўн фикр юритишлари, ҳеч нарсани менсимай тақаббурона қараашлари уларнинг асл қиёфаларини кўрсатиб қўйган эди...”

Олимқулибек додҳонинг Тошкент яқинида душманга қарши хужумга тайёргарлик қўриш манзаралари, унинг сарой аъёнлари, зодагонлар, юрт оғаларининг худбинликлари, калтафаҳмликлари, ноаҳилликлари, узоқни кўра

⁴ Махсумов А. Оталиқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994, 16 сентябрь олмасликларидан чеккан изтиробли ўйлари билан танишар эканмиз, бу хужум бошланмасдан турибоқ мағлубликка маҳкум этилганини тушуниб олиш унча мушкул эмас. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф ушбу муваффақиятсиз хужумнинг, Олимқулибек қўшинларининг мағлубияти ички сабабларини ҳам кўрсатиб беради. Ҳикоядан чиқадиган хулоса аянчли ва жиддий: мусулмон қўшинларининг мағлубиятга урашининг асосий сабаби душманнинг ниҳоятда қудратли кучга эга эканлигига эмас (бу ҳам, албатта, ҳал қилувчи омиллардан бири бўлсада), балки эл, юрт тақдири ишониб топширилган одамларнинг ноаҳиллигига, иттифоқ тузиб душманга қарши чиқа олмаганидадир.

Гарчанд ҳикояда рус босқинчиларининг истилоси, уларга қарши стихияли курашнинг кичкина бир эпизоди тўғрисида сўз юритилса-да, муаллиф чиқарган хулосалар умуман рус истилоси ва Туркистоннинг Русияга тобе бўлишининг асосий сабабларини очиб беришга хизмат қиласди.

Алишер Махсумовнинг тарихий мавзуда ёзган яна бир ҳикояси “Кўргилик”⁵ деб номланади.

Мазкур ҳикояда ўтган асрнинг 30-йиллари, “синфий хушёрлик”, “жамиятни ёт унсурлдан тозалаш” шиорлари остида ўтказилган оммавий қатағон манзаралари ва уларнинг салбий оқибатлари тасвиранади. Бу ҳикоя бир қарашда биз танлаган мавзу –

мустамлакачилик мавзуси билан бевосита боғлиқ эмасдай туулади. Ҳикояда ушбу сиёсатнинг янги, такомиллашган, нисбатан даҳшатлироқ тус олган босқичи ҳақида фикр юритилади. Адиб ҳикоя жанрининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу даврга хос кичик бир эпизодни тасвирлайди. Бош қаҳрамон оддий мактабнинг ўқитувчиси Хомидхон ўз даврининг типик вакили. У доимий қўрқув билан яшайди. Тўғри, кейинги йилларда шахсга сигиниш давридаги оммавий

⁵- Махсумов А. Кўргилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994, 4 октябрь қатағон ҳақида жуда кўп материаллар чоп этилди. А. Махсумов бу мавзунинг янги бир қиррасини очиб беришга эришди. бу чиркин сиёсатнинг энг даҳшатли оқибатларидан биришу бўлди, халқимизга хос бўлган меҳр–мурувват, имон–эътиқод, инсонийлик сингари азалий фазилатлар йўқотилди. Ёзувчи буни доимий қўрқув исканжасида яшашга мажбур бўлган Хомидхон бир муштипар аёл ("халқ душмани" Сирожиддиновнинг хотини)га ачиниб "кўргилик эканда" деган сўзи учун аянчли ахволга тушган математика ўқитувчisi Аламов, бу жирканч сиёсатни амалга оширишда сидқидилдан хизмат қилган, лекин охир–оқибатда ўзи ҳам "халқ душмани" сифатида қамалиб кетган мактаб директори, ўз устозларини "фош этган" "хушёр, сергак" ўқувчилар образлари воситасида ишонарли кўрсата олган.

Хозирги замон ўзбек ҳикоячилигига мустамлакачилик мавзусида яратилган талай асарларни келтириш мумкин. Турли бадиий савияда ёзилган бундай асарларни бирлаштирувчи асосий омил – тарихни, ўтмишни холисона идрок этиш ва юртимиз истиқболини белгилашда мозийдан етарлича сабоқ олишга интилиш. Ишонч билан айтиш мумкинки, кичик насримиз ҳаёт кўзгуси саналмиш бадиий адабиётнинг ижтимоий функциясини бажаришга муносаб улуш қўшмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Веселовский А. Н. Историческая поэтика. М. Высшая школа. 1980
2. Гуковский Г. А. Реализм Гоголя. М-Л.: Госиздат художественной литературы. 1959.
3. Каримов Э. А. Человек в изображении Толстого. Ташкент: Фан, 1967.
4. Дўстмуҳаммад Хуршид. Уч ҳукумат қолипига сиғмаган бой./ Шарқ Юлдузи, 1992 й, №5, 98-101 б.
5. Акмал Акром ўғли. Миркомилбой ким эди? Ўша манба. 88-97 б.
6. Файрат Нек Мурод. Тарихий жараённинг бадиий талқини. Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 1994, 7 б.
7. Махсумов А. Оталиқ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994, 16 сентябрь
8. Махсумов А. Кўргилик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994, 4 октябрь